Америкада қовун экиб

Фарғонанинг Андорхон қишлоғи ширин-шарбат қовунлари билан машҳур. Бултур кузда андорхонлик қовунчилар пойтахтнинг Чилонзор бозорида АҚШдан келган меҳмонлар билан мулоқот қилиб қолишди. Қовунларнинг йириклиги, сархиллиги, тилими тилни ёриши океанорти меҳмонларини лол қолдирди. Улар, Калифорнияда ҳам об-ҳаво Ўзбекистонникига ўхшаб кетади, деган фикрни билдиришди. Ният шуки, биз томонларда ҳам ана шундай қовун етиштиришса ҳам бўлади, дейишди. Кейин шу йил баҳорда АҚШ тадбиркорлари таклифи билан Бешариқ тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзоларидан Абдулҳофиз Абдулазизов, Хайруллахўжа Абдуллаев ва ака-ука Абдурашид ва Абдуғаффор Абдурасуловлар АҚШга йўл олишган эди. Яқинда Абдулҳофиз ўз қишлоғига сим қоқди.

— Фарғоналик қовунчилар катта майдонларга уруғ қадагандик. Бизга 200 нафардан кўпроқ маҳаллий деҳқонлар кўмаклашиб, қовун етиштириш усулларини ўрганишмоқда. Андорхон уруғлари бир текис униб чиқди. Парваришлар давом этмоқда. Ўйлаймизки, меҳнатимиз зое кетмай, қовунларимиз америкаликлар дастурхонига тортиқ қилинади.

Алишер ИБОДИНОВ

Алпомишга талпиниб

Халқаро Амир Темур жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси, Қарши педагогика билим юрти ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ўзаро ҳамкорликда ўтказган «Алпомиш авлодлари — полвонлар» учрашуви кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Шоир Исмоил Тўхтамишев тайёрлаган саҳна лавҳаси, бахши шоирларнинг чиқишлари, полвонлар беллашуви ўзига хос тантанага айланди. Полвонларга эсдалик совғалари берилди.

Юнус УЗОҚОВ

«Шердор» ва «Зарафшон» салқин ичимлик

«Андижон — Прага» Ўзбекистон — Чехия корхонасида тайёрланаётган «Шердор» ва «Зарафшон» пиво маҳсулотлари сифати ва бежирим қадоқланганлиги билан эътиборни тортмоқда. Қисқа вақт ичида бир ярим миллион шиша «Шердор» ва «Зарафшон» ичимлиги савдога чиқарилди. Қўшма корхонада жаҳон андозаларига мос харидоргир маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш учун технологик янгиланиш режасини амалга оширмоқда. Демак, бундай маҳсулотлар янада кўпаяди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Қибрайда шахмат байрами

Қибрай тумани марказида ўзига хос тадбир нишонланди. «Шахмат клуби» ёзувли сўлим гўша гавжумлашди. Алвон лентани республика шахмат федерацияси вице-президенти М. Муҳиддинов кесди. «Бу, отахонларнинг ёшларга муносиб туҳфасидир, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси Ж. Хонназаров. — Чойхона эди, клуб бўлди, таъмирладик, кенгайтирдик, ўнлаб шахмат тахталарини келтирдик. Муҳими ота-оналар мамнун. Боиси, болаларимиз шахмат узра қўним топадилар, мустақил фикрлашга ўрганадилар, бўш вақтни мазмунли ўтказадилар. Ажаб эмас, қибрайликлар орасидан яқин йилларда етук шахматчилар камол топса». Шу куни таниқли гроссмейстерларимиз Рустам Қосимжонов билан Сайдали Йўлдошевлар 50 дан зиёд ёшлар билан дона суришди. Байрамона куй-қўшиқлар таралиб турди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 11 июль, шанба • № 82 (22.319).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Етти йилнинг мевалари

Мамлакатимиз Президенти кейинги йилларда мафкура масалаларига жиддий эътибор бермоқда. Хусусан, бугунги кунда ёшлар маънавияти тараққиётнинг асосий манбаларидан бири эканлиги ҳақида гап бораяпти. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этяпти. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» дея айтилган шаҳодат ҳам ана шу маънода.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири Азим Суюн, республика стратегия институти директори ўринбосари Эркин Норбўтаевлар иштирокида вилоятнинг Шаҳрисабз, Ғузор, Қарши, Касби туманлари ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти ҳамда Қарши Давлат университетида ўтказилган самимий учрашувлар, эркин суҳбатлар мафкура мавзусида кечди.

Бир сўз билан айтганда, жойлардаги аҳолининг турли қатламларига мансуб ёшларнинг бу борадаги мулоҳазалари ранг-баранг тарзда ўз ифодасини топди. Фикрлар кураши қизғин тус олди, дейиш мумкин. Йўлбошчимизнинг «Тафаккур» журнали саволларига жавоблари ҳамда куни кеча бир гуруҳ зиёлилар, тарихчи олимлар билан ўтказган мулоқотида ўртага қўйилган масалалар, ҳукм сурган ғоялар замиридаги мақсадлар ҳар бир ёш томонидан қизғин қўллаб-қувватланганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбекистоннинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги нуфузи, янги давр мафкураси тарихимизнинг ҳаққоний талқини борасида олға сурилган фикрлар мустақиллик ғояларини ёшлар шуурида шаклланаётганлиги, тафаккурда ёруғ нуқталар ҳосил қилаётганлигидан далолат бермоқда.

Илҳом КАРОМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

С. С. Ғуломовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

О. У. Салимовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Оқил Умурзоқович Салимов пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

XXI аср ўзбек ёшлари

Республикамизнинг таълим-тарбия соҳасида замонавий услубларни ўзлаштириш яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу борада Қарши Давлат университетида олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Яқинда бу илм масканида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб битирувчи талабаларнинг давлат имтиҳонларини компьютер ёрдамида топшириш йўлга қўйилганлиги сўзимизнинг исботидир.

— Бу йил университетимизни 500га яқин талаба битириб чиқади, — дейди иқтисод факультети декани, академик Норбой Узоқов. — Давлат имтиҳонларини компьютерда топширишга ўтилиши талабаларнинг ҳам, педагогларнинг ҳам кўнглидаги иш бўлди. Чунки, бу усулда имтиҳон топшириш, биринчидан, таниш-билишчиликка чек қўйган бўлса, иккинчидан, ўқув сессиялари даврида ўқитувчилар шаънига айтиладиган турли нохуш гап-сўзларнинг бартараф этилишига олиб келди. Бунинг устига компьютерда имтиҳон топшириш талабаларни ўз устида янада қатиқроқ ишлашга мажбур қилмоқда. Янги усулнинг мана шундай афзалликларини ҳисобга олиб, келгусида оддий имтиҳонларни ҳам компьютер ёрдамида олишни йўлга қўймоқчимиз.

Суратда: иқтисод факультети битирувчиси Адиба Абдураҳимова.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

ХДП хабари

Партияларарo алоқалар мустаҳкамланмоқда

Шу йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига Германия Социал-демократик партияси Марказий бошқарувининг халқаро сиёсат бўлими мудираси Гизела Наук хоним ташриф буюрди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон ХДПнинг таркиби, тузилмаси, салоҳияти, турдош партиялар билан алоқалари ва мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни, унинг республика Президенти И.А. Каримов раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Меҳмон Германияда республикамизнинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида эришаётган ютуқларига, Ўзбекистонда демократияни ҳар томонлама қарор топтириш, унда фуқаролик жамиятини барпо этиш амалиётига катта қизиқиш мавжудлигини қайд этди.

Суҳбат чоғида иккала партия ўртасида қарор топган ҳамкорликни ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ҳирмонларимиз юксалмоқда

Дўстлик тумани ғаллакорлари меҳнат ғалабасига эришдилар. Дон тайёрлаш давлат буюртмаси ва уруғлик тайёрлаш топшириғи уддаланди. Қабул пунктларига 2200 тоннага яқин дон топширилди. Бу ютуққа Мамажон Дадажонов, «Дўстлик», Хўжам Исроилов номли, «Оқолтин», «Ҳалқобод», Саркисов номли ижара ширкат бирлашмалари муносиб ҳисса қўшдилар.

Гули МУҲАММАДЖОН қизи

Муборак тумани деҳқонлари 11700 гектар майдонда дон етиштирдилар. Улар юқори ҳосил кўтариб, давлатга 18808 тонна сара дон топширдилар. «Бу ғалабага, — дейди туман ҳокими Карим Остонов, — Амир Темур, Алишер Навоий номли, «Гулистон», «Туркистон», «Муборак» жамоа хўжаликлари баракали ҳисса қўшди.

Абдулла АЙИЗОВ

Бу дунёнинг ишлари

Афсонавий машина янгиланди

Горький автомобиль заводининг малакали усталари одатдагидан ташқари буюртмани бажаришди. Виктор Черномирдин ўзи Бош вазир бўлиб турган пайтда қилган орзусига эришди. У 40-йилларда ишлаб чиқарилган ГАЗ-М1 афсонавий енгил машинасини сотиб олди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ушбу русумдаги машиналарни ҳозир бармоқ билан санаш мумкин. Шундай машина топилган пайтда унинг эгасига учта янги «Волга» машинаси берилди. Автозавод ходимлари етти ой мобайнида эски машинани тартибга келтиришди. Унга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатишди. Биринчи навбатда, Черномирдиннинг «Эмка»сининг ранги ўзгартирилди. Ўзи қора эди, энди оқ бўлди. «Волга»нинг янги қудратли двигатели ўрнатилди ва беш босқичли ўтказиш коробкаси жойлаштирилди. Ўриндиқларга вельюрдан чиройли жилдлар қилинди, Американинг кондиционери, электрқўтаргичли ойналар, Япония аудио системаси ўрнатилди. Ғилдиракларига эса қуйилма дисклар ва «Бриджстоун» резиналари жойлаштирилди. Синовлар пайтида қадимий машина соатига 160 километр йўл босди. Автозаводдан хабар беришларича собиқ Бош вазир «Эмка» ни «тирилтириш» учун 500 минг янги рубль сарфлади. Бироқ, горькийлик уддабуронларнинг меҳнатини Виктор Степанович қандай баҳолаганлиги ҳақида эса ҳозирча маълумотлар йўқ.

Сир очиладиган бўлди

Германия ҳукумати ушбу мамлакатни бирлаштиришнинг бош омили бўлган воқеа — Берлин деворининг қулатилиши билан боғлиқ даврдаги архивлар сирини очадиган бўлди. Одатда, бундай муҳим ҳужжатлар 30 йил давомида сир сақланиши керак. Бироқ Германия вазирининг айтишига кўра, ушбу вазиятда сирни очишнинг ҳеч қандай зарари йўқ. Бунинг устига мухбирларнинг таъкидлашига кўра бу нарса Колнинг мамлакатни бирлаштиришдаги хизматларини алоҳида кўрсатишга хизмат қилади. Мухолифатдагилар эса сир очишнинг сабабларини Коль сентябрда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловлари олдидан ўз обрўсини оширишга интилаётир, деб шарҳлашмоқда.

Собиқ бош вазир ҳибсга олинди

Миланда бўлиб ўтадиган суд жараёнида Италиянинг собиқ бош вазири ва ҳозирги пайтда мухолифатнинг раҳбари Сильвио Берлусконни коррупцияда айбдор, деб топилди ва икки йилу тўққиз ой муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Италиянинг энг бой одамларидан бўлган собиқ бош вазир солиқ полициясини сотиб олишда ва турли можароларда айбдор деб топилди. Бироқ Италия қонунларига кўра, Милан судининг қарори иккита кассация суди томонидан тасдиқланмагунча, ижро этилмайди. Берлусконининг ўзи эса суд қарорини қатъий қоралади.

Покистонда аҳоли кўпайди

Шу йилнинг март ойида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Покистон аҳолиси 130 миллион 580 минг кишига етди. Аҳоли сони 1981 йилдагига нисбатан, 55 миллион кишига кўпайган. Бу ҳақда матбуот анжуманида молия, иқтисодиёт ва статистика вазири Сартож Азиз хабар берди. У аҳолининг ўсиш суръати пасайиб бораётганлигини қувонч билан таъкидлади. Чунки, мамлакатнинг барча вилоятларида 1981 йилда аҳоли ўсиши 3,06 фоиз бўлса, бу йил 2,61 фоиз бўлди. Шу давр мобайнида миллионер шаҳарлар сони тўрттага кўпайди. Карочи шаҳри аҳолиси 5,2 миллион эди. Ҳозир эса у қарийб икки баравар ўсиб, 9,269 миллионни ташкил этмоқда.

Ислоҳот ва масъулият

Ховос кенгликларида

Сўнгги йилларда Ховос туманидаги қатор хўжаликлар иқтисодий жонланиш йўлига чиқиб олаётгани кўпчиликни қувонтирмоқда. Шундай меҳнат жамоаларидан бири «Ховос» ширкатлар уюшмаси экани эса янада эътиборли ҳолдир.

Хўжалик ҳудудига кириб борганимиздан сўнг кўп ўтмай туман ҳокими Рустамбек Турдиев шундоққина йўл четида ястаниб ётган пайкалга бир тушиб ўтишни таклиф этади. Пайкалда биринчи кўзга ташланган манзара — янги экилган мевали дарахт кўчатлари бўлса, иккинчиси — янги кўчатлар орасида барқ уриб ўсаётган гўза ниҳоллари эди.

— Янги боғларни шу кўкламда барпо этдик, — изоҳ берди туман ҳокими. — Бу эса Янгиер — Баландчақир сув иншооти қурилиши шарофатидандир.

Ҳақиқатан ҳам мазкур сув иншоотининг қуриб битказилиб фойдаланишга топширилгани барча ховосликлар, айниқса Баландчақир аҳолиси ҳаётида катта ва унутилмас воқеа бўлди, десак муболаға бўлмас. Чунки дарё сувини мана шу қирларга, унинг кенг, баҳаво адирларига олиб чиқиш шу ерликларнинг асрий орзулари эди. Мана орзу ҳам ушалди. Тўрт босқичдан иборат бўлган насос станциялари салкам юз чақирим масофа орқали Жанубий Мирзачўл канали сувини об-ҳаётга ташна бўлган қақроқ ерларга олиб чиқмоқда. Бундан қувонганлар ҳар сўзининг бирида юртбошига раҳмат, дейди. Чунки бу ҳақда гарчи юз йиллар мобайнида орзу қилиб келинаётган бўлсада, бу орзуларнинг рўёбга чиқиши юртбошимиз, ресоёққа турғазиб олиш ва уларни обод қилишдир.

— Назарингизда, бу анчайин оғир вазифа бўлиб туюлмаётирми? — сўраймиз яна у кишидан.

— Ўтган ва бу йилги натижалар ҳаммамизнинг қалбимизда катта орзу-умид туйғуларини уйғотмоқда. Қийинчиликлар кўп. Лекин гапнинг ёсқисқа ва ўрта муддатли ва узоқ муддатли ва ниҳоятда ҳосилдор ва ҳосилсиз ва ҳосилдорлик ва ҳосилсизлик ва ҳосилдорлик ва ҳосилсизлик ва ҳосилдорлик ва ҳосилсизлик

Солиқ ҳақидаги дарс

Газетамиз саҳифаларида солиқларни тўлаш бўйича қатор материаллар берилганидан кейин таҳририятга газетхонлардан солиқ тўловчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи мақола бериш ҳақида илтимослар тушди. Биз Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг мутахассислари билан маслаҳатлашдик ва газетхонларнинг саволларига жавоб беряпмиз.

— Солиқ тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга?

— Солиқ тўловчилар солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиши, белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиши, бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиши, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиши, солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиши ва текширув далолатномаларини олиш ҳуқуқларига эга.

Шунингдек, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кун муддатда тақдим этишлари лозим. Солиқ органларининг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилишлари, солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш ҳуқуқларига эгадирлар.

— Солиқ тўловчилар қандай мажбуриятларга эга?

— Солиқ тўловчилар белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтишлари лозим. Ҳуқуқий манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддатда хабар бериши, солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаши, бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиши, молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиши, солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқаришга мажбурдирлар.

Тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига ўз вақтида тақдим этишлари керак, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат беришга, солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш каби мажбуриятларни бажарадилар.

— Солиқ тўловчига нисбатан қандай молиявий жазо чоралари кўрилади?

— Солиқ Кодексининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун солиқ тўловчига нисбатан қуйидаги миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланилади. Масалан, ҳуқуқий шахсларнинг (шу жумладан норезидентларнинг) солиқ органида рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаши аниқланса, (фаолият бошланганига ўттиз кун бўлган бўлса) энг кам иш ҳақининг эллик баравари (олинган даромаднинг (фойданинг) ўн фоизидан кам бўлмаган) миқдорида, бир ойдан ошган бўлса энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида (олинган даромаднинг (фойданинг) эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жарима солинади.

Иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида рўйхатдан ўтишидан бўйин товлаши энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинишига олиб келади.

Учинчидан, даромад (фойда) яширилган тақдирда солиқ тўловидан яширилган даромаднинг (фойданинг) бутун суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган тақдирда солиқ тўловидан яширилган солиқ солиш объектлари учун олинадиган солиқ суммаси ва яна шунча сумма миқдорида жарима ундирилади. Солиқ тўловчи юқоридаги хатти-ҳаракатларни молиявий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида такроран содир этган тақдирда ундан тегишли сумма ва яна шу сумманинг икки баравари миқдорида жарима ундирилади.

Тўртинчидан, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган декларациялар, ҳисоб-китоблар ва ҳисобларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун солиқ тўловчидан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади.

Бешинчидан, бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки унинг белгиланган тартибини бузган ҳолда юритганлик учун солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади.

Олтинчидан, фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади.

Еттинчидан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслардан ҳисоб-китобда акс эттирмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш операцияларини ўтказганлиги учун уларни ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима ундирилади.

Саккизинчидан, солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади, тўлов куни ҳам шунга киради. Пеня ундириш солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Солиқ тўловчи солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда ҳар бир қонунбузарликка нисбатан алоҳида молиявий жазо чоралари қўлланилади. Агар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун молиявий жазога тортилган шахс жазони ижро этиш тугаган кундан эътиборан бир йил мобайнида солиқ бўйича такроран қонунбузарлик содир этмаган бўлса, у жазога тортилмаган ҳисобланади.

Шуни эслатмоқчимиз: қонунларни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга киришишдан олдин солиқ Кодексини ўқинг, Солиқ қўмитасидаги мутахассислар билан маслаҳатлашинг. Шундай қилсангиз хатолар ва қонунчиликни бузиш ҳолларидан холис бўласиз.

Андрей ОРЛОВ

Миллат ор-номуси

Дунёда инсон қалбидек нозик, инсон иродасидек мустаҳкам бошқа бир нарса йўқлиги аён ҳақиқат. Ҳар қандай нарса, ҳатто у метиндек мустаҳкам бўлса-да, вақт ўтиши билан емирилади. Аммо, инсон иродасини емириб ҳам, букиб ҳам бўлмайди. Жон танни тарк этгандан кейин ҳам ирода руҳ билан бирга кетади, унга мухру мужассам бўлади..

Биз аждодларимиз руҳи мададкор бўлсин, деб дуога қўл очар эканмиз, энг аввало, уларнинг асрлар оша собит иродасидан ўзимизга кучмадад тилаймизки, дунёдаги жамики эзгуликлар ҳам қай бир инсоннинг иродаси маҳсулидир. Дунёда шундай улуғвор қадрият ва тушунчалар бор — у бир инсон иродаси орқали бутун халқ, миллат иродасига айланади. Бу — давлатимиз йўлбошчисининг жасорат ва зўр ирода кучи билан ҳаётимиз ҳақиқатига айланган Мустақилликдир! Шу боис, мустақиллик йилларида юртимиздаги янгиланишлар, халқимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришлар доимо қалбимни ҳаяжонга солади, баъзан хаёлимга мустабидлик тузумининг охирги йиллари воқеалари келади. «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр», деганларидек, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларни ёки ўша машъум «десантчилар даври»даги адолатсизликларни бугунги озод ва обод кунларимиз билан таққослайман, хаёлимга бошимиздан ўтказган яхшиёмон кунлар ва бу кунларнинг аччиқ сабоқлари, истиқлол берган имкониятлар келади.

Ёмонни кўрмагунча яхшининг қадрига етмайсан, дейдилар. Менимча, мустақиллик қандай неъматлигини мустабидлик даврида бошига қайғу тушмагандир. Лекин, халқ қандай яшарди, миллатнинг ҳуқуқи қай аҳволда эди? Аслида бутун халқ «социализм» деб аталган «олтин қафас» ичида сақланарди-ку! Озгина ор-номуси, фаросати бор одам буни англамайдими?

Ҳозир ўтиш даврининг баъзи қийинчиликларидан ранжиётган кимсага Кавказорти, Тожикистон, Қозоғистон томонларга бориб бир айланиб келишни маслаҳат берган бўлардим. Балки шундагина юртимиздаги ҳаётнинг қадрига етар? Ахир, бизда ҳеч ким кўчага чиқишдан қўрқмайди. Туни билан милтиқ ушлаб оиласини қўриқлаб чиқмайди. Миллати, динидан қатъи назар ҳамма оилаларда тўкин тўй-ҳашамлар қилинмоқда.

Яна бир тоифа одамлар бор — улар назарида мустақиллик гўё осмондан тушгандек.

Ўзбекистон қандай қилиб мустақилликка эришди? Мустақиллик эълон қилинган даврда сиёсий-иқтисодий вазият қандай эди? Мустақилликка эришиш ортида қанча заҳмат, хавф-хатар бўлганлигини биламизми?

1980 йиллар бошида собиқ марказ олиб борган «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» сиёсати, Ўзбекистондаги аксарият раҳбарларнинг қамоққа олиниши кучли қўрқув муҳитини яратиб, мутлоқ итоатгўйликка олиб келди. Ўша пайтлардаги маҳаллий раҳбарларимиз халқ манфаатини бир четга суриб қўйиб, ўз амалларини сақлаб қолиш ташвишида кун ўтказишди. Қўлларини кўксиларига қўйиб, қулларча ялтоқланишдан бошқа нарсага ярашмади. Бошимизга тушган оғир кулфатлар сабабларидан бири ана шу ношудлик ва қўрқоқлик эмасмиди?

Қийин ва мураккаб шароитда республикани хавф-хатардан, оловдан асраб қолиш, ҳам ички, ҳам ташқи душман зарбасидан ҳимоя этиш осон эмасди. Бунинг учун, энг аввало, довюраклик, донишмандлик ва кучли ирода керак эди. Худонинг иродаси билан ана шундай одам топилди. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти ўз фаолиятини халқимизнинг топталган ҳуқуқларини ҳимоя этиш, ўзбек халқи номини поклаш учун курашдан бошлади. Юртбошимиз илк қадамларидаги бу ҳаракат эса мустақиллик йилларидан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Собиқ иттифоқ даврида давлатнинг барча тизимлари, ҳатто ҳуқуқ-тартибот ҳам коммунистик мафкурага бўйсундирилган эди. Мамлакатда қонун эмас, сиёсат ҳукмрон эди. Одамларнинг тақдирини суд эмас, партия аппаратларида ин қурган тўрт-бешта каззоблар ҳал қиларди. Озод ва ҳур жамият барпо этишга киришган мустақил Ўзбекистон эса энг аввало, қонун устуворлигини энг олий қадрият сифатида эълон қилди ва бунга ҳозирга қадар оғишмай амал қилмоқда.

Собиқ тузумнинг ижтимоий адолатсизликлари, раҳбарларнинг халқ ҳаётидан узилиб қолганлиги

1

2

Ёз гашти

Ш. ОЛИМОВ, Т.НОРҚУЛОВ, Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Қарор ижроси билан кучли

ХДП ахбороти

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон ХДП Тўрткўл тумани кенгашининг юқори партия ташкилотлари ва ўзлари қабул қилган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида»ги масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда рескенгаш ижроия бюросининг «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVIII пленумининг мафкуравий ишларга доир топшириқларини бажариш бўйича тадбирлар режаси ҳақида»ги қарори негизида ўтказилган тадбирлар ижобий натижа бераётганлиги қайд этилди.

Айни пайтда, юқори партия органлари ва ўзлари қабул қилган қарорларнинг бажарилишини ташкил қилишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қабул қилинган қарорлар бажарилиши таъмин қилинмадими, демак у ерда интизом бўшашди дегани. Интизом бўшашдими, у ерда иш ҳам пайсалга солинди, деган гап. Республика партия кенгашидан юборилган «2000 йилгача Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш йўналишларини амалга оширишда республика партия ташкилотларининг иштироки ҳақидаги» республика партия кенгаши ижроия бюросининг 1996 йил 12 июлдаги Б-55/3 сонли қарори туман партия кенгаши бюросида кўрилмаганлиги сабабли, уни бажаришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмаган. Шу билан бир қаторда, туман партия кенгаши ижроия бюросининг бошланғич партия ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилган қарорлари, бошланғич партия ташкилотларига юборилмасдан қолиб кетаётган ҳоллар ҳам учрайди. Агар қабул қилинган қарорлар бошланғич, ҳудудий партия ташкилотларига тўлиқ етиб бормаса, унинг бажарилиши ҳақида сўз бўлиши мумкинми?

Республика партия кенгаши ижроия бюроси туман партия кенгашига юқори партия органлари ва ўзлари қабул қилган қарорларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, назоратдаги қарорлар билан ишлаш, қабул қилинган қарорларни ва бошқа ҳужжатларни бошланғич, ҳудудий партия ташкилотларига белгиланган муддатларда етказиш, тегишли ахборотлар олишни йўлга қўйиш, иш қоғозларини юритишни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар берди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Менда таклиф бор

Руҳий кўмак керак

Бизда ҳалига қадар ўз жонига қасд қилишдек аянчли ҳодисалар тез-тез такрорланмоқда. Бундай нохушликни эса фақат моддий етишмовчиликлар эмас, оилавий келишмовчиликлар ҳам келтириб чиқараётир. Ахир, инсон бошида не-не қийинчиликлар бўлмайди. Ҳар кунги турмушда учрайдиган қусурлар қанчадан-қанча инсонлар ҳаётини зимдан заҳарлайди. Уйидан, ҳаётидан безиган, бошига тушган кўргиликлардан, алданишлардан сиқилган кишилар нима қилишларини, кимга дил ёришларини билмай юрадилар. Натижада, «невроз», «психоз» каби кўплаб асаб касалликлари келиб чиқади. Энг ёмони, турмуш азобларига чидай олмаган катталар баъзан бор заҳарларини гўдак болаларига сочиб аламдан чиқадилар. Агар ўзини қўярга жой тополмай сиқилиб юрган ана шундай кишилар доно, ўта ишончли, холис бир дўст ёки суҳбатдош топса, бирор эзгу сўз эшитса анча таскин топмасмиди? Ўз вақтида айтилган бир оғиз илиқ сўз ҳам инсон ҳаётини ўзгартиришга қодирку, ахир. Аммо, у керакли пайтда топилмайди. Балки, ақлий меҳнат билан шуғулланадиганларга осонроқдир. Улар ҳар қандай мураккабликни ечишни яхши билишади. Аммо, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганларчи?

Чет элларда ҳар хил клублар мавжуд бўлиб, у ерларда ўз жонига қасд қилувчиларни камайтириш мақсадида «қутқариш лига»лари ҳам тузилган экан. Қани эди бизда ҳам «Оилани маънавий қўллаб-қувватлаш маркази»ми ёки «Ишонч маркази» ташкилотими бўлса. У ерда кишилар маънавий яқинликни, холис дўстликни, ўзига нисбатан эҳтиромни ҳис этсаю, ҳар қандай масалада маслаҳат олиш, ўзи истаган мавзуда ўртоқлашиш, сирлашиш имконига эга бўлсалар. Ҳар қандай кўнгли озурда инсон билан шуғулланиш, унга фақат руҳий-маънавий кўмак бериш шу марказ вазифаси бўлса. Бизда кўпинча ногиронларнинг моддий аҳволи билан қизиқадилар. Марказ эса ногиронлар руҳияти билан кўпроқ қизиқиб, улар билан ёзишмалар олиб борса.

Бизда қандай қилиб ғам-ташвишларни енгиш, қандай қилиб ҳаёт аччиқларини ширин қувноқликка айлантириш, қандай қилиб мукаммал инсон бўлишини ўргатадиган қўлланмалар кам. Марказ шу мавзуларда ҳам тарғибот ишларни олиб борса. У ташкил этган ўқув курсларида эса турмуш қурган ёш келинкуёвлар қандай қилиб бахтли яшаш каби мавзуларда лекциялар тинглаш имкониятига эга бўлсалар. (Шу ёшга кириб бирор лекторнинг шунга яқин мавзуда лекция қилганини билмайман. Ваҳоланки, ҳар қандай киши бундай мавзуга қизиқади).

Мен марказ ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлигидаги Хотин-қизлар қўмитаси раиси, меҳнат бошқармасидагилар ва бошқа соҳадаги кишилар билан сўзлашдим. Кўпчилик бундай хизмат тури ростдан ҳам зарурлигини ва шундай марказ ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашса-да, маблағ йўқлигидан куюнишди. Яқинда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунни ўқиб қолдим. Унда айтилишича, янги иш ўринларини ташкил этиш, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан фойдаланишнинг йўналишини Меҳнат вазирлиги белгилар экан. Шундан келиб чиқиб таклиф киритмоқчиманки, фуқароларимизга жуда зарур бўлган бунақа марказни ташкил этиш ғояси «Ўзбекистон овози» газетасида кўтариб чиқилса, бунга Меҳнат вазирлигининг эътибори жалб этилса жуда савобли бўларди. Мен шундай марказда ишлай оладиган қобилиятли юристлар, психиатрлар, ўқитувчиларни биламан. Ўзим 12 йил судда котибалик қилганман. Ўрта махсус маълумотли юристман. Муҳими, шундай марказда ишлаш, кишилар билан самимий мулоқотда бўлиш орзуим бор.

Эҳтиром билан,

Дилзода БЕКМУРОДОВА,
Қарши шаҳри

Буни ҳаёт дейдилар

Буни ҳаёт дейдилар. Бу гардунда баъзан кайфу сафода юрасан. Хурсандчилигу маишат майидан сипқориб дунё кенгликларида беадад сузасан. Сендан буюкроқ, сендан-да зўр одам йўқдек. Давраларнинг тўри, ноз-неъматларнинг «гули» сеники. Дўстларинг, ёру биродарларингни сон-саноғи йўқ. Шундай кезларда кўпинча шукр қилиш ҳам хаёлдан кўтарилади. Тўғрироғи, эзгуликларни унутасан киши.

Буни ҳаёт дейдилар. Ишинг юришмай, оғир аҳволдасан. Қайга боришни, кимга кўнгил очишни билмайсан. Юрагингни бўшатишни, елкангдаги оғир-оғир тоғларни ағдариб ўзгалардан мурувват бўлишини кутасан. Ногаҳон чуқур-чуқур хаёллар сени асир этади: кимларга яхшилик қилгансан, эй инсон! Яхшилик қилган «дўст»ларинг ҳам наҳот тўзғиб кетишган!?

Шундан бўлса керак, ҳаёт минг чиғириқлардан иборат. Инсон борига ҳам, йўғига ҳам қаноат қилиб яшаши даркор. Лекин, гоҳида атрофимизда кечаётган воқеаларга бефарқ бўламиз. Ахир зиғирдек хатолик ҳам эрта бир кун улкан тўсиқларга дучор қилиши, бошимиз деворга тегиши, ёинки, бу ажойиб ҳаётда бир умр виждон азобида қолиш ҳеч гап эмас.

Хўш, ҳаётимиздаги дилхуш- нохуш воқеаларнинг, салбий ҳодисаларнинг асл илдизи, ўзаги-ю туб моҳияти қаерда. Уларнинг олдини олиш мумкинми?

Буни ҳаёт дейдилар. Бир кам дунё. Унда қўшилиш ва ажралиш мавжуд. Бундан ҳеч қайсимиз кўз юмолмаймиз. Шуларни ёзаётганда кўп ўйладим, истиҳола қилдим. Кимларгадир ёқар, баъзиларга... айниқса, ёшларга... Янаям билмадим. Баъзан ўз айбимизни ҳам ўзгаларга «юклаймиз». Ота-оналаримизни гуноҳкор ҳисоблаймиз. Ўзимиз-чи?.. Айбдор эмасмизми? Келинг, яхшиси суҳбатдошларимизнинг ўзлари «сўзласин».

Сурайё, 20 ёшда, талаба.

— Кўча-кўйда турли-туман, очиқ-сочиқ кийим кийиб юрган қизларга қандай қарайсиз?

— Бу ҳар кимнинг ўз дидига боғлиқ.

— Айнан баданини кўрсатиб юриш қизлар учун уят эмасми?

— Бунинг нимаси уят!?

— Сиз шундай кийинсангиз ота-онангиз қаршилик кўрсатишмайдими?

— Йўқ албатта!

— Қандай йигитга турмушга чиқишни хоҳлардингиз?

— Бой-бадавлат, машинаси, уйи бор, тагли-тахтли йигитга-да!

— Олий маълумотлими, ёки...

— Ўқиган бўлиши шарт эмас. Пул топса бўлгани.

— Маошга яшайдиган йигитни севиб қолсангиз-чи?

— Калламни йўқотибманми... Бир умр пулни-пулга «улаб» яшашни хоҳламайман.

— Кечирасизу, ўша топармон-тутармон йигит бир кун келиб сизга хиёнат қилсачи?..

— Эр зоти қуримагандир...

— Тилло тақинчоқларга қизиқасизми?

— Жони-дилимку!

Фозилжон. 21 ёшда, тижоратчи.

— Инсон бахтли яшаши учун нима қилиши керак?

— «Соққа» бўлса бўлгани. Ҳаёт «беш» бўлади.

— Газета-журнал, китоб ўқиб турасизми?

— Албатта! Ҳар куни «Программа»ни ўқийман.

— «Олтин олма, дуо ол» мақолига қандай қарайсиз?

— Бизда бошқача: «Дуо олма, «кўк»идан ол».

— Нотаниш инсон сиздан минг сўм пулни икки кунга қайтариш шарти билан илтимос қилиб келса, берармидингиз?

— Бир сўмни гапиринг... Ҳозир ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Пул — жигардан пайдо бўлади, дейдилар-ку!

— Оилавий ажралиш, турмушнинг бузилиши нималардан келиб чиқади, деб ўйлайсиз?

—Чўнтакда бир мири бўлмаса, турмуш бўладими?! Хотинларга кўп нарса боғлиқ. Эрни тушунса бўлгани.

— Қандай қизга уйланишни хоҳлардингиз?

—Ота-онасини бойлигига қизиқмайман. Сочи узун бўлса бўлгани.

— Нега айнан сочи...

— Улар ўзини ва ўзгаларни ҳурматлайдиган, вафоли бўлади.

— Узр, унга хиёнат қиласизми?

— Хотининг кўнглингдагидай бўлса, хиёнат қилиш гуноҳ.

Буни, ҳаёт дейдилар. Тўғри, бахтли, фаровон турмуш кечириш учун аввало пул, иқтисод бўлиши даркор. Лекин инсон маънан қашшоқ ҳам бўлмаслиги лозим. Ҳамма нарсани бойлик билан ўлчаш пасткашликдир. Айниқса, соғликни, ор-номусни, бахтни, иқболни, ширин турмушни, осуда ҳаётни, хотиржамликни... пулга сотиб олиб бўлмайди! Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Оғриқ нуқталар

туфайли одамларнинг сабр косаси тўлганлигини янги раҳбар англади. Коммунистик мафкура етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида ваъда бериб келган «бахтли келажак» сароб эканлигини одамлар тушуниб етган эди.

Ўша кезлари мен янги раҳбарнинг дадил қарорларидан мағрурланиш ҳиссини туя бошлагандим. Гоҳирин-кетин ўз мустақилликларини эълон қила бошлади. Демак, Ўзбекистон мустақиллиги қайсидир маънода қизил империянинг қулашида ўзига хос, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Мустақиллик эълон қилинган дақиқаларда телевизор қаршисида ўтириб нималарни ҳис этганимни ўзим биламан. Ўша кезлари қамоқ-

ва келажаги

да эса юрагимга ғулғула тушарди. Марказ унга қарши фавқулодда чора кўрмасмикин, деб хавотирланардим. Чунки, замон турли таҳликаларга бой эди. Фақат мен эмас, жабрдийдаларнинг ҳаммаси ҳам эртанги кунга умид билан яшарди.

Назаримда, месхети турклари, ўзбек-қирғиз низоларидан ғанимлар кўп нарса кутишганди. Хайриятки, бало-қазо ёйилиб кетишига йўл қўйилмади.

Бу муаммоларнинг тинч ҳал этилиши эса собиқ тузум ва унинг собиқ раҳбарларига берилган биринчи зарба бўлди. Кейинги асосий зарба, ўз-ўзидан, Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши эди.

Халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарган бу тарихий воқеадан сўнг бошқа республикалар ҳам бидан чиққанимга икки ойча бўлганди. Лекин, мустақиллик эълон қилинган дақиқалардан кейингина мен ўзимни ҳақиқий озод ҳис этдим. Гўё хавф-хатар, бало-қазо мендан аригандек туюлди.

Аслида, фақат мен эмас, балки бутун Ўзбекистон, ҳар бир ватандошим росмана озодликка чиққан эди. Чунки, менинг бошимга тушган кулфат исталган пайтда бошқа бировнинг ҳам бошига тушиши мумкин эди. Аслида она-Ватанимизнинг ўзи ҳам ҳибсда сақланарди. Унинг оёқ-қўли боғлиқ эди.

Яқинда москвалик бир дўстим Тошкентга келиб қолди. У илгари Тошкентда яшаган эди. «Сизлардаги ўзгаришни, қурилишларни кўриб ҳайратга тушдим, — деди у. — Сизлардаги осойишталикнинг ўзи катта бахтку. Биз кўчада ҳар доим

3

Мустақиллик мезонлари

ҳам, айниқса кечаси, эркин юролмаймиз».

Юртбошимизнинг улуғ ниятлар билан «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», деганлари кўнглимиздан аллақачон жой олган. Бу ният замирида юртимизнинг гуллаб-яшнаши, энг илғор мамлакатлар қаторидан жой олиши назарда тутилган. Аслида Ўзбекистон ҳозир ҳам буюк мамлакат. Унинг буюклиги — мустақиллиги, тинчлиги, барқарорлиги, ўта оғир ва қалтис вазиятларда ўзига хос ва мос йўлини танлай олгани. Энг асосийси, мард, бағри кенг, салоҳиятли халқи борлиги. Яна бир муҳим жиҳати, бизда халқ ўз Президентига ишонади, у билан фахрланади. Президенти ҳам ўз халқига, унинг бунёдкорлик салоҳиятига ишонади, у билан фахрланади.

Президентимизнинг яқинда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини гоҳ ҳаяжон, гоҳ ғурур, гоҳ изтироб билан тингладим. Айтилган гапларнинг кўпи нафақат қашқадарёликларга балки, ҳар биримизга тегишлидир. Мансабни суиистеъмол қилиш бу жиноят, албатта. Аммо, атрофимизда содир бўлаётган бундай камчиликларга лоқайдларча томошабин бўлиб туриш-чи? Бу жиноят эмасми, мустақилликка хиёнат эмасми?

Президентимиз бир гал шундай деган эди: «Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз — истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз керак».

Менимча, бунинг учун ҳар биримиз қилаётган ишимиздан, ўзимиздан рози бўлишимиз лозим. Ўшанда келажак авлод биздан рози бўлади. Келажакдан қарздор бўлиб қолиш эса оғир гуноҳ.

Мустақиллик давлатимиз тамғасида акс эттирилган Ҳумо, яъни бахт қушига ўхшайди. Унинг омонлиги — демак ҳар бир фуқаронинг омонлигидир, унинг юксак парвози ҳар бир юртдошимизнинг парвозидир. Биз Ватан тақдирига мен ҳам дахлдорман, деган муқаддас туйғуни шакллантириб, ҳаётда, ишда, фикр-ўйларимизда ана шу табаррук туйғу билан яшашимиз, нафас олишимиз даркор.

Мустақилликни, унинг олдидаги бурчни мен ана шундай тушунаман.

Обиддин АЛИБОЕВ,
ҳуқуқшунос.

4

Ҳозирча 11 давлат истак билдирди

Алматида жорий йилнинг 15-19 октябрь кунлари БМТнинг Осиё-Тинч океани минтақаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ҳамда Қозоғистон ҳукумати ҳамкорлигида "АСПАТ-98 АЛМАТИ" деб номланган VII Халқаро савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ярмарка Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётир. Унда асосан, электроника ва ёритиш асбоблари, озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари ҳамда спорт товарларининг намуналари бўлади.

Ҳозирча Осиё-Тинч океани минтақасидаги 11 давлат мазкур тадбирда иштирок этиш истагини билдирди.

Етти ярим миллион долларлик тўплам

Буюк Британиядаги "Кристи" савдо уйи ноёб китоблар кимошди савдосини ўтказди. Унда инглиз адабий тили ва инглиз миллий адабиётининг асосчиси Жефри Чосернинг "Кентерберия қиссалари" номли тўплами энг қиммат нархда сотилди. Мазкур тўплам 1476 йилда бор-йўғи ўн нусхада чоп этилган. Ж.Чосер қаламига мансуб бу энг яхши асар 1776 йилдан буён аристократ инглиз оилаларидан бирида сақланиб келинар эди.

Кимошди савдосида бошланғич нархи 1 миллион АҚШ доллари этиб белгиланган китоб, харидорларнинг тортишувлари натижасида 7,3 миллион доллар баҳода сотилди.

Вазир баёнот берди

Косовода ўзаро курашаётган томонларнинг ҳеч бири уруш йўли билан рақиби устидан ғалаба қозона олмайди. Германия мудофаа вазири Фолкер Рюе шу мазмунда баёнот берди.

Вазир бу фикр Шимолий Атлантика ҳарбий блоки раҳбариятининг қарори эканини маълум қилди ва бирор томон куч ишлатгудек бўлса, НАТОнинг қарши ҳужумига учрашини айтди. Айни вақтда Блок Косовода бажарилажак бир неча ҳарбий операция режаларини ишлаб чиқмоқда. Биринчи навбатда ҳаводан туриб ҳужум қилиш режалаштирилмоқда. Албатта, бу фақат ихтилофчи гуруҳлар - ҳукумат қўшинлари ва айирмачилар орасида тўқнашув юз берсагина содир бўлади.

Ҳукуматни тарқатиш натижасиз чиқди

Нигерия раҳбари - генерал Абдусалом Абубакр мамлакат халқини осойишталикни сақлашга даъват қилди.

Маълумки, ўтган сешанба куни қамоқ жазосини ўтаётган мухолифат вакили Мошуд Абиола юрак хасталиги туфайли қазо қилган эди. Марҳум сиёсий маҳбуснинг тарафдорлари эса мамлакатнинг қарийб барча йирик шаҳарларида тартибсизликларни юзага келтирди. Натижада йигирмага яқин киши ҳалок бўлди. Дастлаб, Абдусалом Абубакр жунбушга келганларни бироз тинчлантириш учун ҳукуматни тарқатиб юборганди. Лекин, кутилган натижани бермади. Энди у бевосита халққа мурожаат қилиб, тинчлик ва осойишталикни сақлашни сўрамоқда.



Кўприк — юртларни туташтиради.

Яна бир партия рўйхатдан ўтди

Қирғизистонда Демократик партия тузилди. У мамлакатда фаолият кўрсатаётган йигирмата партиядан сўнг 21-тартиб рақами билан рўйхатга олинди.

Янги партияни Қирғизистон сиёсий муҳитидаги таниқли сиёсатчи Т.Турғунов бошқармоқда. Унинг таъкидлашича, КДП қирғизистонликларнинг демократик қарашларини ифодалайди. У сайловларда бошқа сиёсий уюшма ва ташкилотлар каби ўз аъзолари номзодини илгари суради, мамлакат сиёсий майдонида ўзига хос ўрин эгаллаш ва нуфуз орттиришга ҳаракат қилади. Партия миллатчилик, диний мутаасиблик ва айирмачиликни кескин қоралайди, дейилади унинг Низомида.

Ўғригина бола

Ўғрида инсоф бўладими? Инсоф бўлса, ўғирлик қиладими? Йўқ, унақамас. Ҳаммадаям инсоф бўлади. Филадельфия штатидаги бир ўғрини «ярамас, текинхўр» дейишнинг ўзи бироз ноинсофлик бўлар-ов. У ўғирликка тушган хонадонидан бор-йўғи 27 доллар «ўмарди». Шунга мажбур бўлди. Ҳеч вақо тополмаган ўғригина бола — стол устидаги газетада чоп этилган бошқотирмага кўзи тушди. Асабларини сал босиш учун бошқотирмани еча бошлади. У бу машғулотга шунчалик берилиб кетдики, бошқотирмани бошдан оёқ ечиб бўлди. Кайфияти кўтарилиб, жуфтакни ростлади.

Опа-сингил Этил ва Одри Ратертонлар таътилда мазза қилиб, аммо чўнтаклари шип-шийдон бўлиб уйларига қайтишди. Э, воҳ, устига устак хонадаги тартибсизликдан билишди: ўғри тушибди. Бошқотирмани кимдир ечибди, ҳайратланишди. Сўнгра жавобни газета таҳририятига йўллашди. Қарангки, омадми, ўғрининг заковатими, 1000 долларлик мукофотга эга бўлишди.

Шундай ўғрини ким деб аташ мумкин?

Кўзи тўқ тиланчи

Гадойлар ҳам пулдан тўядими, деб ўйлаганмисиз? Лекин, ким гадой бўлади? Камбағалми? Йўқ. Ориятсизми, яна йўқ. Ёки иш ёқмасларми — сал-пал тўғридир. Аслида — кўчакўйда садақа сўраб юрганлар ҳам «тўяркан». Очиғи, уларга баъзан катта хазина керакмас экан.

Италиялик Альме Фортини умр бўйи шу касбни қилган. Ҳеч кутилмаганда унинг ҳам кўчасида байрам бўладиган бўп қолди. Аллақаерда яшовчи акаси кампирга 20 миллион лирани мерос қолдирди. Қизиғи, акаси миллионер бўлмаган, оддийгина, опасига «касбдош» экан.

Кампир қолган умрини бемалол оёғини узатиб, еб ётиб ўтказса ҳам бўлади. Лекин, кампиршо «Меросдан воз кечаман, нима қиламан шунча пулни, бу ёғимдан, у ёғим яқин бўлса», деб рад қилди.

Негадир, кейинги вақтларда тиланчи ўзи ким, бойми, камбағалми деган фикрга борадиган бўлиб қолдим. Қизиқ, деб ўйлайман, онда-сонда бўлса-да гадойга пул узата туриб, «миллионер» бўла туриб мендан шу пулни олади-я, секин қўлимдаги бир-икки сўмга қараб қўяман.

Гулфия ЖУМАБОЕВА тайёрлади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Жаҳон спорти».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ешулли Хива». Премьера.
9.40 Лирик тароналар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.45 «Фермер». Телетанлов.
11.05 «Аждаҳо ва қуёш». «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильмлар.
11.25 «Кекса санъаткорлар». Мусиқий дастур.
12.05 «Омад юлдузи». Телеўйин.
12.35—14.00 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Гаройиб орол». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.00 «Мулкдор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Суйганларим бор». Мусиқий дастур.
22.00 «Вазият».
22.15 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.50 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм 23-кўй.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёриltош». Мульттўплам.
18.35 А. Алимбоев. «Оғзаки ҳикоялар». Биринчи кўрсатув.
19.05 Эгиз қўшиқлар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Бурч ва масъулият».
21.25 «Таттер». Телесериал.
22.15 «Даракчи»(рус тилида).
22.25 «Дэнс». Жаҳон рақслари.
22.45 «Бозор ва мулк».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ. «Шаҳарда».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
20.40 «Тоғ капалаклари». Телефильм.
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Худди ота боладек». Бадиий фильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Жаҳон».
20.55, 22.20 — Эълонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериал.
21.45 «Умр баҳори».
22.00 Ҳамкорлик.
22.25 Кинематограф. «Эгнар чашмаси».
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Бахтиёр». Фильм-концерт.
9.15 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Зарлўзлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
11.00 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.
12.05 «Шум боланинг саргузаштлари». Мультфильм премьераси.
12.20 «Маърифат маскани».
12.35 Кундузги сеанс. «Палата». Бадиий фильм.
14.10 — 15.20 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». «Туғилган ер». 1-қисм. 2. «Қорақалпоқ қиссаси». 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёрдамчилар». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Чамандаги гулларимиз».
18.40 «Эд саломатлиги йўлида».
19.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Истиқлолим, сени куйлайман».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Экран куйлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Акс-садо».
21.35 «Ёшлар» телеканали.
1. «Сиз ва биз».
2. «Ёшлар ва эстрада».
3. «Сочининг савлоси тушди».
23.00 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов якуни.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёриltош». Мульттўплам.
18.25 Еввойи ҳайвонот олами.
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таттер». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 «Кундалик».
22.40 Кинонигоҳ. «Олти куну етти тун».
00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
20.40 «Мутахассис».
21.00—21.35 РДТ «Вести».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Шарқ киноси: «Доно Мандухай хоним». (Монголия). Бадиий фильм.
00.30—00.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Мусиқий дақиқалар».
19.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.25 «Онамнинг тилаги». О. Мадалиев.
19.55, 21.50 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи».Телесериал.
20.45 Мусиқий дақиқалар.
20.50 «Янги иқтисод».
21.20 Телефакт.
21.30 Хит-коллекция.
21.55 «Қувноқ кино».
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Янгра, дутор-танбурим». Мусиқий дастур.
8.55 «Соғлом авлод учун». Спорт дастури.
9.10 «Юрпим жамоли».
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зангиота».
9.40 «Рақс, рақс, рақс...».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
12.05 «Шум боланинг саргузаштлари». Мультфильм премьераси.
12.20 «Нуроний».
12.40 Кундузги сеанс. «Кўр музикачи». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Шер ва шуур».
18.40 «Ислоҳот ва масъулият».
19.00 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан...». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Аёл қалби наволари». Концерт.
22.00 «Парламент соати».
22.20 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм. 24-кўй.
23.00 «Бирдан бир миллионгача». 1-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.50 — 23.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёриltош». Мульттўплам.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Худуд».
21.30 «Келин-қуёв». Телешоу.
22.20 «Нигоҳ».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Экранда — детектив.
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.30 Янгиликлар.
16.35 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*
6.30—8.00
17.50—20.50
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.
*

20.50 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.

*
21.00—21.35
РДТ «Вести».
*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
22.00 «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 21.25 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Ёлқин».
20.30 «Азизим».
20.55 «Нафосат гулшани».
21.30 Кинематограф. «Ажал сиртмоғида».
22.50 «Дурдаршан».
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Севги ва ёр васфи». Мусиқий дастур.
9.10 «Илм ўзликни билмакдир».
9.30 «Ялқов». Мультфильм.
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Физика.

*

12.05 «Шум боланинг саргузаштлари». Мультфильм премьераси.
12.20 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.45 Кундузги сеанс. «Жаҳаннам ташқари поезд». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Жараён».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.30 «Менда фикр бор». Талбиркорлар телевизион клуби.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таянч нуқтаси».
21.20 «Қўшиққа қўчган сатр». Азим Суюн.
22.15 «Мулк ва муносабат».
22.30 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Сомон йўли».
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Жажжи давра».
18.35 «2000 йиллдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Катта тапаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Дилнавоз садолар».
20.10 «Табобат оламида» (рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одамлар орасида».
21.25 «Мутойиба».
21.45 «Мусиқа теграсида».
22.05 «Даракчи»(рус тилида).
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Оилавий экран. «Цирк майдонига йўл».
23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.

*
6.30 — 8.00
17.20—20.45
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*

20.45 «Телешифокор».

*
21.00—21.35
РДТ «Вести».
*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Виктория». Бадиий фильм.
23.10—23.30 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Сўхбатдош».
19.25 «02» тўлқинида.
19.30 «Ҳамшаҳарлар».
19.55, 21.20 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Жаҳон музейлари». Кёлн дурдонаси.
21.00 «Ҳаммаси мода ҳақида».
21.25 Киносалон.
22.45 «Мусиқий Олимп».
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 17

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оҳанга тўлсин диёр». Концерт.
8.45 «Мушоҳада баҳси».
9.20 «Созга солдим Алпомишни».
9.40 «Меҳр макони».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Зийнат».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.

*

11.30 «Мен туғилган тупроқ».
11.45 «Шум боланинг саргузаштлари». Мультфильм премьераси.
12.05 «Ҳаёт чашмалари».
12.25 — 14.00 Кундузги сеанс. «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.

*

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Олтин тож». Телеўйин.
18.35 «Юксалиш».
18.50 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилайман».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Устозлар даврасида». Мусиқий дастур.
21.30 «Ватанни севмоқ иймондандир...».
22.00 «Ёднома». Шамси Одил.
22.30 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм. 25-кўй.
23.10 «Битик».
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ният хайр, оқибат хайр». Бадиий фильм.
01.40—01.45 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 А. Алимбоев. «Оғзаки ҳикоялар». 2-кўрсатув.
19.00 «Экранда — Дэвид Копперфилд».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Акс».
20.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маслаҳат».
21.25 «Таттер». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Хуш келибсиз».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Экранда — мюзикл. «Ёмғир остида қуйлаётганлар».
00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».

*
6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*

20.40 «Қўнгил юртига сафар». Мусиқий дастур.

*
21.00—21.35 **РДТ «Вести».**
*

21.35 Эълонлар.
21.40 Оскар совриндорлари: «Ғазаб ўчоғи». (1941 йил). Бадиий фильм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Бу бўстон ароқ...».
19.30 «Маънавият ва Ислом».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 21.55 — Эълонлар.
20.15 «Морена Клара». Телесериал.
21.00 «Бегойим».
21.25 «Дурдаршан».
22.00 Кинематограф. «Муқаддима».
23.25 Араб эстрадаси.
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 18

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Шоҳруҳ» клуби.
9.30 «Шум боланинг саргузаштлари». Мультфильм премьераси.
9.45 «Ёшлар» телеканали.
«Табиат шифохонаси».
«Маҳорат.
«Акс-садо».
«Ёшлар табассуми».
«Пўлат тулпорлар».
«Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
«Қаддирғоч». Мусиқий дастур.
12.05 «Тасвирга қўчган қўнгил».
12.25 «Кичкинтой» устахонаси.
12.45 «Муҳаббатимни куйлайман». Мусиқий дастур.
13.15 Кундузги сеанс. «Оила сирлари». Бадиий фильм.
14.40—15.10 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
18.05 Болалар учун. «Ҳикматнома».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дунё қўшиққа тўлсин». М. Асалхўжаева, Н. Ҳайдаров.
21.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
22.20 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
23.10 «Куй ва тасвир».
23.30 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 5—6-сериялар.
01.10 — 01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 Оилавий экран. «Цирк майдонига йўл».
9.30 «Спорт қитъаси».
10.00 «Дилбарим».
10.15 «Лавжой». Телесериал.
11.05 Мусиқий лаҳзалар.
11.15 Яхши дам олинг.
11.35 «Жажжи давра».
11.55 Болалар экрани.
13.25 «Ҳудуд».
13.55 «Онагинам».
14.15 «Саҳнет Бичининг муҳаббати ва сирлари». Т[illegible]ч.
15.05 «Ис[illegible]».
15.20 «Г[illegible]иқий дастур.
15.30 «[illegible] Телесериал.
16.15 «Қўнгил кўнгилга пайванд».
16.45 «Дубляж».
17.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.50 «Ёриltош». Мульттўплам.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким, бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
18.55 «Янги ой чиққан кеча».
19.10 «Таянч».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Учрашув». Санда Раметова.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. «Хитой мавзеси».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*
17.50—22.30
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари
*

20.30 Эълонлар.
22.35 «Сиз уларни танийсиз».
22.55—23.20 «Бахтим, сени куйлайман». Фильм-концерт.

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Японияннинг кашф этилиши».
12.00—12.25 «Рақслар қанотида».

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.50 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 19

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «ЁШЛАР» телеканали
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Истеъдодлар унар боғ».
«Очиқ дарс».
«Мен билган, билмаган дунё».
«Куйла, ёшлигим».

* * *

12.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.00 «Сурат ва сийрат».
13.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.55 Кундузги сеанс. «Севги сароблари». Бадиий фильм.
15.30 — 15.50 «Ёзувчи ва замон».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
23.10 ТВ—1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
23.20 Кино янгиликлари.
23.30 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.50 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 7—8-сериялар.
01.30 — 01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 «Пул ҳанғомалари». Видеофильм.
9.00 «Сир».
9.20 Экранда, премьера. «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Телесериал.
9.45 «Эркатой».
10.10 «Дойче

Французча «меҳмоннавозлик»

FRANCE 98

Ҳар тўрт йилда бир бор ўтказиладиган жаҳон футбол анжумани ҳам поёнига етай деб қолди. Зеро, ҳар тўрт йилда жаҳон мамлакатларида футболга бўлган эътибор қанчалик ортаётганлиги, моҳир тўпурарлар сафи қандай кенгаяётгани ўзига хос кўрикдан ўтади. Шунинг учун ҳам ҳамиша катта футбол бетакрор воқеалар ва тасодифларга бой бўлади. Жаҳон чемпионати кўтаринки рухда давом этаётган бир пайтда ФИФАнинг янги президенти Йозеф Блаттер ҳам ўз сўзини айтиб қўйди. Унинг фикрича, бу сафарги чемпионатда қоида бузиш ва қўполликлар кўп бўлганига қарамай, келгусида ҳам ҳакамлик қилиш тизимига ўзгартиш киритилмас экан. 2002 йилда бўладиган жаҳон чемпионатида ҳам 32 финалчининг иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Улар иккига бўлиниб, Япония ва Жанубий Корея ўйингоҳларида тўп сурадилар. Нимчорак учрашувлари ҳам ҳар иккала мамлакатда бўлаверади. Барди-ю, бу орада Шимолий ва Жанубий Корея қўшилгудек бўлса, ягона Корея ўйингоҳларидан фойдаланилади. Лекин Франция чемпионатида футболчилару мухлислар кўрсатган найранглар ўзига хос жазоланадиган бўлиб турибди. Гап шундаки, 2006 йилда чемпионат навбати Африкада бўлиши мумкин. Аммо, Англия ва Германия мамлакатлари бундай футбол байрамини ўтказиб беришга даъвогарлик қилмасалар ҳам бўлаверади. Чунки, бу мамлакатларнинг ашаддий мухлислари чемпионат ташкилотчиларига «ҳунар» кўрсатиб, ранжитиб қўйишган.

Агар кимдир Францияга шунчаки меҳмон бўлиб борса, ўйлаймизки, бу мамлакатда кўнгил олиш ўрнига қўйилади. Лекин футболда масала бошқача бўлади. Халқ таъбири билан айтганда хизмат ўз йўлига-ю, иззат ўз йўлига. Тўғриси чемпионат мезбонлари — Франция футболчилари бу сафар кўпам биринчиликни орзу қилишмадиёв. Лекин, зимдан ҳаракат қилиб имкониятларидан расамади билан фойдаланишни ўрнига қўйишди. Французлар гуруҳларда ўтказилган учрашувларни фақат ғалаба билан якунлаб, нимчорак финалдан бошлаб, яна илдамлашди. Парагвайдан устун келгач, чорак финалда Италия футболчиларини жарима тўплари тепиш бўйича доғда қолдиришди. Ана шу тариқа ярим финалга етиб келган Франция жамоаси хорватлар билан ўйинда бор куч-маҳоратини ишга солди. Танаффусгача бутун ҳаракатларга Зинедин Зидан билан хорват Давор Шукер бошчилик қилди, десак муболаға бўлмас. Танаффусдан кейин Шукер ўзини кўрсатиб, хорватларни олдинга олиб чиқди. Лекин айни пайтда хорватларнинг ҳаяжон аралаш ҳимояни бўшаштиришганидан фойдаланган майдон эгалари орадан дақиқа ўтмаёқ, ҳисобни тенглаштиришга улгуришди. Лилиан Тюрам маҳорат кўрсатди. Умуман французларнинг қўли баландлиги сезилиб турди. Хорватлар эса олмонлар билан ўйинда кўрсатган ҳаракатларини такрорлай олмадилар. 70-минутда Тюрам яна бир тўп киритиб, Франция жамоасини финалга олиб чиқди. Шундай қилиб, бугун учинчи ўрин учун Голландия — Хорватия жамоалари учрашадилар. Эртага эса Бразилия — Франция учрашувидан кейин биринчи ёки бешинчи чемпионнинг ким бўлиши аниқ бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ

ЧЕМПИОНАТНИНГ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ

1/8

A1 — *Бразилия*
B2 — Чили 4:1
D1 — *Нигерия*
C2 — Дания 1:4
E1 — *Голландия*
F2 — Югославия 2:1
H1 — *Аргентина*
G2 — Англия 4:3
B1 — *Италия*
A2 — Норвегия 1:0
C1 — *Франция*
D2 — Парагвай 1:0
F1 — *Германия*
E2 — Мексика 2:1
G1 — *Руминия*
H2 — Хорватия 0:1

1/4

Бразилия
Дания 3:2
Голландия
Аргентина 2:1
Италия
Франция 3:4
Германия
Хорватия 0:3

1/2

Бразилия
1:1 пен: 4:2 Голландия
Франция
2:1 Хорватия

Финал Сен-Дени 12 июль

Бразилия

Учинчи ўрин Голландия-Хорватия

Франция

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 11 iyul, shanba № 82 (22.319).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ,
навбатчи Юсуф ЖЎРАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Орамиздаги одамлар

Наби Раҳимнинг дўсти

Юрган дарё дейдилар. Қанча кўп юрсанг, шунча кўп кўрасан. Қанча кўп ўқисанг, шунча кўп биласан. Бу фалсафанинг инкор этиб бўлмас қонунларидан бири. Маълумки, халқ орасида кўп юришда биз — мухбирлардан ўтадигани йўқ. Хизмат сафари баҳона ҳар хил юртларда бўламиз, ҳар хил одамлар билан учрашамиз. Бу гал Жиззах вилоятига сафаримиз жараёнида бир неча кун шаҳар марказидаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида тунашимизга тўғри келди.

Аввало меҳмонхонадаги саранжом-саришталик, хизматчиларнинг хушмуомалалиги эътиборимизни тортди. Чунки, меҳмонхоналардаги турли-туман етишмовчиликлар, асаббузарликларга ўрганиб қолганмиз. Хайрият, бу ерда ҳеч қандай муаммога дуч келмадик. Ҳаммаси рисоладагидек.

Меҳмонхона бекаси бизга ажратилган хонани кўрсатиб қўйгач, қаерда бир пиёла чой ичиб олиш имконияти борлигини суриштирдик. Бекадан олган маълумотга кўра, бешинчи қаватдаги тамаддихонага кўтарилдик. Тамаддихона соҳибининг хушмуомалалиги, кўзларидан ёғилиб турган меҳр сабаб, бизда у киши билан суҳбатлашиш фикри туғилди.

Танишдик. Ғанижон ака Муҳаммадиев 34 йилдан буён ошпазлик нонини ер экан. Фарзандлари, бугунги кунда набираларини ҳам ҳалол меҳнати эвазига тарбиялаб, катта қилаётган отахоннинг меҳмонхона тамаддихонасида фаолият кўрсатаётганига ҳам 11 йил бўлибди. Бунгача Ғанижон ака «Сангзор» ресторани очилишидан бошлаб, сўнг Жиззахнинг эски шаҳар қисмидаги янги ресторан бунёд этилишидан бошлаб ошпазлик қилган экан. Эҳ-ҳей, Ғанижон аканинг қўлидан кимлар овқатланмаган, кимлар отахонни қўлингиз дард кўрмасин, деб дуо қилмаган дейсиз. Улар орасида олим ҳам, деҳқон ҳам, раҳбар-у оддий ишчи ҳам бор.

Суҳбатимиз орасида Ғанижон ака «мухбир экансизлар, бир нарса кўрсатайми», деб қолдилар. Ҳаял ўтмай оқсоқол ички хонадан қалин муқовадаги бир дафтарни кўтариб чиқдилар. Варақладик. Илк саҳифада севимли санъаткоримиз, марҳум Наби Раҳимовнинг дастхатлари: «Дўстим Ғанижонга соғлик тилаб, Наби Раҳим». Дастхатнинг остида Наби аканинг имзоси ва ташриф қоғози. Ундан пастрокда «Ғанижон Тошкентга борсангиз уйга, албатта, киринг», деган ёзув. Ҳайрон бўлиб Ғанижон акани саволга тутдик:

— Ғанижон ака, раҳматли Наби Раҳимов билан қадрдонмидингиз?

— Ҳа, десам ҳам, йўқ десам ҳам бўлади. Қадрдон эмаслигим, Наби ака билан бор-йўғи бир неча марта, унда ҳам мана шу меҳмонхонада учрашганим. Қадрдонлигим, у киши билан соатлаб ўтириб суҳбатлашганим, дардлашганим. Тўғриси, мен Наби ака билан учрашгунимча шундай машҳур одам бу даражада камтарин, хокисор, самимий ва оддий бўлади, деб ўйламасдим. Эҳ, қани энди Наби акадай одамларимиз кўп бўлса. Мана шу дафтарни тутишни ҳам Наби ака маслаҳат берганлар. У кишидан кейин ҳам бу даргохда юзлаб санъаткорлар, ижодкорлар чой ичдилар. Уларнинг орасида кеча телевизорга чиқиб, бугун бурни кўтарилиб қолганларини ҳам кўрдим. Наби акамга ўхшаш самимийларини ҳам учратдим. Ўзимга ёққан, юрагимга яқин олганларимдан дастхат олиб қоламан. Димоғдорроқларига ҳам ош-нонини қилиб бераман. Касбим шу бўлса...

Ғанижон аканинг дастхатлар дафтарини варақлаймиз. Кимларнинг табаррук имзолари, дил сўзлари йўқ дейсиз бу муъжаз дафтарда:

Адибларимиздан Эркин Воҳидов, Тулепберген Қаипбергенов, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф; санъаткорлардан Маҳмуджон Азимов, Охун Мадалиев, Мавлуда Ойнакулова; қизиқчилардан Обид Асомов ва Шерали Ҳожиев, хуллас, Ғанижон аканинг хизматларидан миннатдор бўлиб дастхат қолдирган эл суйган кишиларнинг исм-шарифларининг ўзи бир дунё. Тўғриси, Ғанижон аканинг бойлиги — дастхатлар дафтарига ҳавасимиз келди. У кишининг ижодкорларга бўлган меҳр-муҳаббатидан ҳайратга тушдик.

Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Истиқлол мушоираси

Баҳру байтга марҳабо

Назм гулшанининг пурмаъно ҳикмат соҳибларини ўзбекнинг ўзига бек бўлганига 7 йил тўлиши муносабати билан «Истиқлол мушоираси»га чорлаймиз.

Муштарийлар кўнгил боғида назм чечакларини гулафшон этиб, мастоналик уйғотарсиз, деган умиддамиз.

Етти йилки учиб юрибман

Оёғимга осилган тошларни отдим,
Емадим, ит теккан ошларни отдим,
Кўзимдан сидириб ёшларни отдим,
Етти йилки учиб юрибман.
Салом ситоралар, сархуш ҳаволар,
Севгилар ассалом, салом вафолар.
Салом сайёралар, салом самолар,
Етти йилки учиб юрибман.
Ростдан ҳам ушбу бахт ўзимникими,
Лайливаш, жайронқараш кўзимникими,
Тангрига шукурлар сўзимникими,
Етти йилки учиб юрибман.
Шеърим — зеболигим намойишлидир,
Таъзимим, таъвофим азмойишлидир,
Кулгум, табассумим гул ройишлидир,
Етти йилки учиб юрибман.
Салом ҳидоятим, салом Ҳумо Қуш,
Салом ҳақиқатга айланган оқ туш,
Бамисоли оққуш, мисоли Ҳаққуш,
Етти йилки учиб юрибман.
Саодат қасрида нажот меники,
Паризот менингдир, ҳурзот меники,
Занжирни синдирган қанот меники,
Етти йилки учиб юрибман.
Сайроқи қушларга сирдош турибман,
Мунаввар тонгларга нурдош юрибман,
Пайғамбар қизидек бахтлар кўрибман,
Етти йилки учиб юрибман.

Зулфия МЎМИНОВА



Тошкент шаҳар № 238 мактаб томонидан 1998 йил 12 июнда Баҳодир Жалилов номига берилган O'R—E № 050465 сонли тўлиқсиз ўрта маълумот шаҳодатномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тадбиркор, ишбилармон жаноблар, савдо шаҳобчаларининг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МУЗҚАЙМОҚ ЖАМОА КОРХОНАСИ

Сизларни барчанаизни ўлкамизга кириб келган ёз фасли билан самимий муборакбод этиб, жазирама кунларда ўзимизнинг лаззатли, муздеккина музқаймоқларимизни улгуржи сотиб олишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз бу корхонадан сариёғли, қаймоқли, шоколадли, мевали ва бошқа турдаги музқаймоқларни пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва тотли маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Маълумот учун телефонлар: 93-35-12, 93-34-34, 93-09-47, 91-30-17.

Шатранж оламида

Ёшларимиз довруғи

Бир неча йилдирки, ўғил-қизларимиз республика биринчиликларида мунтазам иштирок этиб, ғолиблар қитъа ва жаҳон баҳсларида қатнашиб келмоқдалар. Натижа чакки эмас. Хабарингиз бор, ўтган йили Францияда ўтказилган ўсмирлар жаҳон биринчилигида ажиб ўйин кўрсатилган эди. Яқинда эса Эронда бўлиб ўтган Осиё биринчилиги вакилларимиз учун ўта самарали бўлди. Чунончи, тошкентлик мактаб ўқувчиси Антон Филиппов 12 ёшлилар орасида қитъа чемпионлигини қўлга киритди. У тўққиз имкониятдан нақ 8,5 очкога эга бўлди, ўн ёшлилар орасида самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов иккинчи совриндор бўлди. Унинг акаси Иброҳим 20 ёшгача бўлган ўсмирлар чемпионатида юқори поғоналардан бирини эгаллади.

Жаҳон биринчилигига йўлланма

Бу жаҳон шахсий чемпионати дастлабки саралаш турнири бўлиб, минтақа биринчилигига тенглашади. Марказий Осиё минтақа турнири — Қозоғистонда ўтказилган эркаклар баҳсида 16 нафар, аёллар турнирида эса 12 нафар шахматчи қатнашди. Эркаклар турнирида 7 нафар халқаро гроссмейстр қатнашганлиги курашга кескин тус берди. Пешқадам тез-тез ўзгариб турганлиги кучлар нисбати бараварлигидан далолат эди. Лекин ҳар қалай мусобақанинг иккинчи ярми шиддатли ўтади. Тошкентлик ёш халқаро гроссмейстр Рустам Қосимжонов 15 имкониятдан 11 очко жамғариб, биринчи ўринни олди ва кейинги баҳсга ягона йўлланмани қўлга киритди. Аёллар турнирида эса биринчиликни асли чирчиқлик, айни пайтда эса Қозоғистонда истиқомат қилаётган гроссмейстр Флюра Усакова-Ҳасанова қўлга киритди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ

«ЎЗЕНГИЛСАВДО» ОТҲЖ АКЦИОНЕРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ 1998 ЙИЛ 4 АВГУСТ КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 10.00 ДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚУШБЕГИ КЎЧАСИ, 18-УЙДА ЎТКАЗИЛАДИ

Акционерлар соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Кун тартиби:
1. «Ўзенгилсавдо» ОТҲЖни Қўшма корхона ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисида.
2. Қайта ўзгартиришларни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида.
3. Турли масалалар.

Мажлисда 1998 йил 6 июнь ҳолатига кўра ҳиссадорлар рўйхатига киритилган ҳиссадорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариал тасдиқланган ишончномалар бўйича) қатнашишлари мумкин. Мажлисга тайёргарлик ҳақидаги ахборотни 50-17-97 телефони орқали олиш мумкин.

Кузатув кенгаши

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жарёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ишлаб чиқаради

ИККИЛАМЧИ МАЙДАЛАНГАН, БОЙИТИЛМАГАН

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0, 04-2,5мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц кумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида **СОТАДИ.**

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.

Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05,
факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.

«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**